

# Хамса

Лайли ва Мажнун

## *БИСМИЛЛОХИР РАҲМОНИР РАҲИМ*

*I*

Эй яхши отинг била сароғоз,  
Анжомигаким етар ҳар оғоз<sup>1</sup>.

Эй сендин улус хужаста фаржом,  
Оғозингга ақл топмай анжом.

Эй ақлға фоизи маоний,  
Бокий – сену, борча халқ – фоний.

Эй элга адам бақони айлаб,  
Зотингға фанони фони айлаб,

Эй илмингға гайб сирри маълум,  
Мавжуд — сен, ўзга борча — маъдум.

Эй йўқ қилибон адамни будунг,  
Йўқлуғни адам қилиб вужудунг.

Эй хуснни дилпазир қилған,  
Эй қўнглин анга асир қилған.

Эй хуснға айлаганни шайдо,  
Мажнунлуғ ила қилиб хувайдо,

Эй ишқ ўтина айлаган жаҳонсўз,  
Ҳар бир шарарини хонумонсўз.

Эй ўртаб ул ўтқа хонумонлар,  
Не хону не монки, жисму жонлар.

Эй кимники айлабон париваш,  
Мажнун анга юз асири ғамкаш.

Эй кимни қилиб парига мажнун,  
Ашки суйин оқизиб жигаргун.

Эй ҳар сориким қилиб тажалли,  
Ул мазхар ўлуб жаҳонда Лайли.

Эй оники Лайли айлаб отин,  
Мажнун қилмоқ қилиб сифотин.

Эй Мажнунунг хираддин озод,  
Охи берибон хирадни барбод.

Эй ақл сенинг йўлунгда ғофил  
Ким, телба сенинг йўлунгда оқил.

Эй бандалариға жовидона,  
Омурзиш учун тираба баҳона,

Эй ашқ суйидин айлабон паст  
Дўзах ўти шуъласини пайваст.

Кўк ер киби пасту муртафиъ — сен,  
Балким еру кўкка муҳтариъ — сен,

Сунъунг била тўрт зид мувофиқ,  
Хукмунг била етти кўк мутобик.

Тун-кунки қилур сипехр новард,  
Сенинг талабингдадур жаҳонгард.

Бошдинки қадам қилибдурур меҳр,  
Истаб сени бўлди заъфарончеҳр.

Бордур талабингға борча мойил.  
Лекин сени топмоқ асрү мушкил.

Ҳар негаки деса ўхшамассен,  
Сендин дурур ул, сен ул эмассен.

Ҳар не сени деса ройи соийб,  
Ул сендину сен арода ғойиб.

Ғойибсен ангаки бўлса нозир,  
Нозирға доғи бор ишда ҳозир.  
Афлокка сен шитоб бердинг,  
Анжумға бу нуру тоб бердинг.

Кун юзини айладинг мушаккал,  
Тун кўзини айладинг мукаҳҳал.

Ой сиймини айладинг зарафшон,  
Туннинг шабасини гавҳарафшон<sup>2</sup>.

Токқа берибон либоси хоро,  
Заррин камар эттинг ошкоро.

Қиши мөхрини чун итикрак эттинг,  
Қорнинг садафин арусак еттинг.

Ўз ±мғури етгач, айладинг бот,  
Ер чакманини яшил сақарлот.

Лола қадаҳини тошқа урдунг,  
Жола гухарини бошқа урдунг.

Гул ±фроғини ҳавоға сочтинг,  
Ғунча гириҳин сабодин очтинг.

Гулга берибон зумуррадий тахт,  
Ғунча киби айладинг жавонбаҳт.

Кечага бўлмасун дебон бийм,  
Бердинг нарғисга машъали сийм.

Чун қўкни хусуфзод қилдинг,  
Ойнинг кумушин савод қилдинг.

Гоҳики касофат этти маҳтоб.  
Меҳр олтунин айладинг сияҳтоб.

Бердинг чу жиҳатқа зеб ила фар,  
Боши уза тиктинг олти гавхар.

Унсурни тузук сарой қилдинг,  
Деворини чордой қилдинг.

Кийдурдинг зийнат айламакдин,  
Түкүз хильят анга фалақдин.

Күк атласу бору зархал этган,  
Аңжум дуридин мукаллал этган,

Жайби аро тугма Тийру Ноҳид,  
Эгнида тирози Ою Хуршид.

Йўқ, йўқки, бу етти жирми мовий,  
Анда етти чобуки самовий

Ким, борчаларини фоил эттинг,  
Сайру ҳаракатга шогил эттинг.

Обо чу буларға от бўлди,  
Ул тўрт ҳам уммаҳот бўлди.

Айлаб бу ато, аноға пайванд,  
Уч қилдинг ароларида фарзанд.

Ҳар бирининг ўзгача сифоти,  
Ҳайвонию конию наботий.

Андоқ чу тузулди кадхудолик,  
Бу навъ ўлди ато-анолик.

Бир кимсага тўрт агар тарабдур,  
Етти аро тўрт бас ажабдур.

Ҳар милға токқдинг, икки занжир,  
Қилдинг лақабин қазову тақдир.

Гардунни сен айладинг сабуксанг,  
Давронни сен айладинг куханланг.

Гар бўлса сипехру арз бир-бир,  
Чун сендин эрур сенга не тайири.

В-ар топса бақои лониҳоят,  
Ҳам сендин эрур ўшул иноят.  
Ҳар шоҳки, андин эл ҳаросон,  
Йўқ қилмоқ ани қошингда осон.

Ў қайси гадоки, нони йўқ-тўқ,  
Шоҳ этсанг ани, ким, ойткой йўқ.

Зоҳидки улусқа қилғай иршод  
Солсанг томуғ ичра кимга ирод?

Фосиқки эрур бор иши муҳмал,  
Ўрлиқасанг они кимга мадхал?

Бас, олам ичини айладинг қон,  
Бир луқма ютарға ютти минг қон.

Бас жохил эрурки беғаму ранж,

Тўқтунг этагига маҳзану ганж,

Бу ишта не билсун эл камохи,  
Не эркани ҳикмати Илоҳи.

Лекин бу тараф кўнгулга йўлдур  
Ким, ҳар неки айладинг иш улдур.

Кимни недин айладинг навосоз,  
Топқон анга не кўп эрди, не оз.

Ҳар кимга не берганинг бас эрди,  
Андин кўпу оз керакмас эрди.

Топқонға қаноат улки қилмас,  
Ўз маслаҳатини сенча билмас,

Биздин неки келса бежихатдур,  
Сендин неки бўлса маслаҳатдур.

Дойим қилибон савол варзиш,  
Хони қарамингдин оғариниш.

Кундуз — санга бир гадойи руси,  
Хуршеддин эгнида кадуси.

Тун — даргахингга тиланчи занги,  
Эгнида терисидур палангни.

Дар± санга толиби навола,  
Киши кафида йиғоч пи±ла.

Тоғ лола тутуб нечукки сойил,  
Очиб этагин тиларга мойил,

Яъни бори узрадур панохинг,  
Бор улчаки бор гарди роҳинг.

Мулқунг икки боғи икки олам,  
Султонлиғ эрур санга мусаллам.

Боғинг икки варди меҳр ила маҳ,  
Не боғу не вард, Аллоҳ-Аллоҳ.

Шонин билмай хирадға андуҳ,  
«Жаллат олоуҳу ва шаънуҳ»<sup>3</sup>.

## II

*Пастлиғ юзидин муножсот ул рафиъ уද-даражот ҳазратидаким, саносида  
ақли қулл тили лол, балки ақли қулл тили шикастамақол келди ва ул бобда маъзиратни унуммоқ ва узр  
демакдин ўзни маъзур тутмоқ ва ажз  
ва номуродлиғ қўйига қочмоқ ва гадолиқ ашқин сочмоқ ва  
«шайтан липлаҳ»<sup>1</sup> овучин очмоқ<sup>2</sup>.*

Пок сифатингда аҳли идрок,  
Сўз сурмади ғайри «мо арафнок»<sup>3</sup>.

Ҳар навъки айласам хитобинг,

Юз онча бийикдурур жанобинг,

Улким, «ана афсаҳ»<sup>4</sup> этти даъво,  
Фош этти бу даъви ичра маъно.

Кўргузди чу нукта ичра мўъжиз,  
Олам фусаҳоси бўлди ожиз.

Ҳамдингни демак чу бўлди коми,  
«Ло уҳси»<sup>5</sup> эди анинг каломи.

Ул ажзиға эътироф қилса,  
Ҳамдингдин ўзин маоф қилса,

Бас, назмда сўз деган менингдек,  
Мен худ неки, юз туман менингдек,

Сўз ажзини зоҳир айламак ҳам,  
Ўз ажзини зоҳир айламак ҳам.

Инсоф ила келди носазолик,  
Йўқ-йўқки, камоли беҳа±лик.

Чун ҳамду сано иши бу бўлди  
Ким, акли кулл анда узр қўлди.

Ҳам гунги мақол бўлмоқ авло,  
Бу узрда лол бўлмоқ авло.

Қилмай даъвийи хуш адолик,  
Арз айла, Навои±, гадолик.

Ў Раб, эшигингда ул гадомен  
Ким, боштин-а±ққача хатомен.

Мушкум бу хатода бўлди кофур,  
Кофур ила мушкум ўлди бенур.

Ис±н ўтидин куюб жаҳоним,  
Дуди била тийра хонумоним,

Расволик ўтинг жаҳонга сочиб,  
Учқунларин осмонга сочиб,

Ҳам ушбу ўтум тошиб жаҳондин,  
Ҳам учқуни ошиб осмондин,

Атфоли жунун жафо қилиб фош,  
Ҳар лахза бошимға ±ғдуруб тош.

Мажнунлуғум ичра гар кўруб дев,  
Мендин қочариға айлабон рев.

Девоналиғим нечукки мажнун,  
Саргашталиғим нечукки гардун.

Занжири жунун эрур нишони,  
Андуҳ сипехри Каҳкашони.

Жўлида сочим – бу чарх аро тун,

Йўқким, бошима келиб қаро кун.

Бу нав қаро кун ичра қориб,  
Яъники, қаро кунум окориб.

Зуннор белимға нафс этиб чуст,  
Куфр ичра белимни боғлабон руст,

Ҳар лаҳза ишимни чархи бебок  
Ул ришта била этиб гириҳнок.

Яхшилик итиб бу нотавондин,  
Холимни десам ±монроқ ондин.

Ҳолим шарҳики бас узундур,  
Бу турфаки, дам-бадам фузундур.

Бу ранжки, келди жовидони,  
Ўздин бўлмас кетармак они.

Мен қилсан эди анинг давоси,  
Бўлмақ нега эрди мубталоси.

Ҳар неча эмас манга бу осон,  
Лекин санга бордур асрү осон.

Боқ дарду малолатимға, ± Раб,  
Рахм айла бу ҳолатимға, ± Раб.

Лутф айла ўзунг сори йўлум чек,  
Чектинг чу йўлум тутуб қўлум чек.  
Тортиб бу мағоқдин чикорғил,  
Ғарқоби ҳалоқдин чикорғил.

Чун оллима қўймадинг ±вуз йўл,  
Сайр ичра насибим айла туз йўл.

Шукрунгға тилимни қойил айла,  
Саждангға бошимни мойил айла.

Ўқсутма хидоятингни мендин,  
Кам қилма инояtingни мендин,

Бўл роҳнамун манго ул ишга  
Ким, бўлса санга ризо ул ишга.

Ул иш манга қил муроду максад  
Ким, бўлсанг ўзунг ул ишта хушнуд.

Бир ишки, эмас ризоси сендин,  
Эрмас бу кул илтимоси сендин.

Ҳар қиссада шукр сол тилимга,  
Ҳар ғуссада сабр бер элимға.

Ҳар зуҳдки ужб эрур анга зам  
Кўнглум харамига қилма маҳрам.

Ҳар журмки узр эрур анга ±р,  
Ул журмни айлагил манга ±р.

Гар учмоғу гар томуғдуур үйл,  
Сен лутф ила анда үйлдошим бүл.

Раддиға қабулни мутеъ эт,  
Журмумға расулни шафөт эт.

### III

*Ул рисолат сипехрининг құттық нағылдаким, мазгріб соридин тулув құлтеб, Макка ағжисіда камол түтті, балқи анвори ашроқи била машриқдін мазгрібқача «Каш-шамси нисфун-наҳор»<sup>1</sup> әртүрлі ва күфр шомида ислом шамъи құттықташа шомга яқын үткесі<sup>2</sup>.*

Эй жилвагаҳынг сипехри ахзар,  
Рахшинг изи рашки меҳри анвар.

Эй машъали меҳр шамъи жоҳинг,  
Бал меҳру сипехр хоки роҳинг.

Буким санга чарх хок раҳдур,  
Меърож туни мунга гуваҳдур.

Эй риғъатинг оллида фалак паст,  
Умматларинг анбіға ҳамдаст.

Оlamда рисолатинг навиди,  
Одамға шафоатинг умиди.

Эй «қунту набийян»<sup>3</sup> айлаб оғоз,  
Чун хилқатинг ичра айтибон роз.

Одам шажарингға мева монанд,  
Фарзандингга олам аҳли фарзанд.

Эй нурунг ўлуб жаҳонға собиқ,  
Балким тўқуз осмонға собиқ.

Зотинг била муфтахир жаҳон ҳам,  
Сайринг била тўқуз осмон ҳам.

Эй рутбада хайлинг оғариниш,  
Йўқ-йўқки, туфайлинг оғариниш.

Ҳар неча жаҳон бўлуб туфайлинг,  
Бўлмай бу туфайл сори майлинг.

Эй зотинга номаи футувват,  
Арқосида хотами нубувват.

Ул муҳр хутти васфи зотинг,  
Хотам «алиф»илю «те»си отинг.

Эй илм санга ладуни анжом,  
Мактаб сори ранжа айламай гом.

Олинггада vale келиб муаддаб,  
Илм аҳли нечукки, тифли мактаб.

Эй сунмай иликни хома сори,  
Ул навъки хома нома сори.

Номанг vale андаким бўлуб фош,  
Хаттидин улус кўттармайин бош.

Эй пўяда маркабингга таъжил,  
Оллингда ҳақир пайки Жибрил<sup>4</sup>.

Худхудга не поя, кадру сомон,  
Сайр айласа ел уза Сулаймон<sup>5</sup>.

Эй зумрайи анби± шафей,  
Оlam эли буйруғунг мутеи.

Буйруғларинг элга қарз янглиғ,  
Суннатларинг элга фарз янглиғ.

Қадринг ети чархдин муалло,  
Зотинг худ ики жаҳондин аъло.

Сен бўлмасанг анби±да кимдур  
Ким, нутқи жавомиул-калимдур.

Ваҳ-ваҳ, не каломи муъжиз ойин  
Йўқ ўйла русулға ҳаргиз ойин.

Аҳкоми била жаҳон низоми,  
Назми ики олам интизоми.

Ҳар бир алифи қилиб синон тез,  
Куфр аҳлиға ул синони хунрез.

Микроз ила лом-алифлари руст,  
Таън аҳли тилин тутуб кесиб чуст.

Бу номаға нусха зоти поки,  
Тенгри сўзидин улусқа ҳоки.

Сунъ илги чекиб бу номаға там.  
Орқосига бости нақши хотам.

Хотам дема они, мушки тар де,  
Йўқ мушкки, мунхасиф камар де.

Рухсорики, келди қурси хуршид,  
Ул меҳр қамарваш ўлди жовид.

Чун жисми жаҳони бўлди ҳойил,  
Нури бу қамарнинг ўлди зойил.

Ул меҳрға гарчи мунҳарифдур,  
Чун ҳойили бор мунхасифдур.

Ҳойил дема, бу жаҳони сугро,  
Сугро эмас, ул хужаста туғро.

Ким зоти қошида етти торам,  
Торам дема, балки Арши аъзам.

Меърож туни табоҳ бўлди,  
Борча анга ҳоки роҳ бўлди,

Бас оламе ўлди зоти кубро,  
Юз ончаки, ушбу жирми ғабро.

Ғабро неки минг сипехр чоғлик,  
Нур ичра туман бу меҳр чоғлик.

Ер узра келиб жаҳондин ортуқ,  
Чарх узра эканда ондин ортуқ.

Бўлмаса жаҳондин ортуғ ул пок,  
Бас бўлмас эди матофи афлок.

Бўлмаса сипехрдин кироми,  
Арш ўлмас эди анинг мақоми.

Гар меҳрдин ўлмаса мунаvvар,  
Қилмас эди ломаконни анвар.

Гардундин ўтар замон буроки,  
Ой-кун бўлубон ики жуноқи.

Ислом таниға ул келиб рух,  
Асҳоби анга фидо қилиб рух.

Ўн ±ри жавоҳири нафойис,  
Зоҳир қилиб ул баданға ўн хис.

Ул тўртки динға келди носир,  
Бу рух тани учун аносир.

Ул руҳу ҳавосу тўрт унсур  
Ким, ақлға солдилар таҳайюр.

Бу жисмға мустадом бўлсун,  
Сұхбатлари бардавом бўлсун.

Олики, ри±зиға шажардур,  
Авлоди шажар уза самардур.

Борисига ҳар гузин авқот,  
Юз минг салавот ила таҳи±т.

#### IV

*Ул шоми висолинингким, «Вал-лайли изо яғио»<sup>1</sup> ояти бўла олгай аниғ шонида саводи ±зилмоги ва мунинедек шомда ул мусофири самовийнинг шабгир баланд қилмоги ва субҳи висол эшиклари юзига очилмоги ва меҳри мурод топилмоги<sup>2</sup>.*

Ғам шомида зору ранжпарвард,  
Кезмак неча ой ха±ли шабгард.

Неча ғам аро тузуб тарона,  
Бу шомдин айтмок ғасона

Ким, тули ҳа±тим этти нобуд,  
Савдосида ҳеч топмадим суд.

Вах, не кечаким, қаро балое,  
Кун ганжини күмгән аҗдахое.

Дилбар сочидек хароси жонда,  
Мен мунда, нечукки, күңглум онда.

Бу шом фасонаси узундур,  
Хаддин қаро қайғуси фузундур.

Фикрида тутар күңгүлни қайғу,  
Савдосида күз бўлур қаронғу.

Жон меҳнати келди зикри онинг,  
Умр офати бўлди фикри онинг.

Бу шомға истасанг ниҳоят,  
Ул шомдин айлагил хикоят.

Ким ранги эди чу мушки ноби,  
Ҳар юлдузи рашки офтоби.

Шабнамлариким, сочиб заройир,  
Оlamни тутуб нужуми сойир.

Тун гардин шабнами қилиб гум,  
Ғам тийралиғин доги ул анжум.

Гардун чиқориб кеча палосин,  
Давронға ±пиб сахар либосин.

Тун даҳр юзидин оритиб менг,  
Кундузни ўзига тутмайин тенг.

Кундуз ўёлиб бу холатидин  
Ким, ерга кириб хижолатидин,

Бу ишга қулуб сипехри хазро  
Ким, тишларин айлаб ошкоро.

Атфоли нужум айлабон майл  
Ўкурғаву ўқумоғи «Вал-лайл».

Чун лаъбу нишот аларға ортиб,  
Устоди казо фалакка тортиб

Йўқким бори ранжу ғуссадин шод,  
Яъники фалак ғамидин озод.

Қолмай фалак ичра зулмат оти,  
Борин супуруб, малак қаноти.

Дегилки, ҳавода юз туман хур,  
Оразларидин сочар эди нур.

Ораз хайдин сочиб ниҳони,  
Шудрун киби оби зиндагони.

Исони таажжуб айлабон лол,  
Ҳар ±н фалак узра музтарибхол.